



ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ ЖАМИЯТДАГИ ТИНЧЛИК ХОТИРЖАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИДИР

Абдумутал Закурлаев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлик университетининг
Жиноий ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори, ю.ф.д.,
исломшунос.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7578709>

ARTICLE INFO

Received: 17th January 2023

Accepted: 27th January 2023

Online: 28th January 2023

KEY WORDS

Терроризм, экстремизм, қарши
курашиш, оқимлар, дин.

ABSTRACT

Мақолада Экстремизм ва терроризм каби иллатнинг борган сари кучайиб бораётгани, бу борада Ўзбекистон республикасининг ўрни, амалга ошираётган сай - ҳаракатлари, 2021-2026 йилларга мўлжалланган стратегия ҳамда унинг келажакдаги самараси ва давлат органлари ҳамда жамоатчиликнинг вазифалари хусусида фикр юритилади.

“Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари қўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғарзли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”[1].

Ш.Мирзиёев

Экстремизм ва терроризм инсоният билан бирга XXI асрга кириб келган энг хавфли ижтимоий иллатлардан бирига айланди. Экстремизм бағрикенглик, ранг-баранглик ва ҳамфикрликни рад этиши билан мамлакат тараққиёти ва фуқароларо ҳамжиҳатликка раҳна солади.

Экстремизм ва терроризм нафақат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий ёки маданий соҳаларига зарар етказди, балки жамиятга оммавий тарзда рухий босим ўтказиб, энг мудҳиш шакллардаги зўравонлик ва кескинлик мафкурасини ёяди. Шу нуқтаи назардан, жамиятда диний асосда низолар чиқишига йўл қўймаслик, динни сиёсийлаштириб ва унинг асосий ғояларини сохталаштириш орқали мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш давлат ва жамият олдида турган ҳаётининг муҳим масалалардан бири хисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1- июлдаги ПФ-6255-сонли “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси” да устувор йўналишлари этиб белгиланган, экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик



мафкурасини тарғиб қилиб, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш, узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларда фойдаланишга қарши курашиб, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш ва бошқа ҳуқуқий чораларини кўриш масалалари белгиланган.

Миллий стратегия ҳозирги кунда таҳдидлари борган сари кучайиб бораётган халқаро хавфсизликка, шу жумладан Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолаётганлиги, унинг хавфи ҳамда таҳдидларига қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақазо этаётган бир пайитда ҳар томонлама ўйланган тинчликсевар, прагматик ва изчил ташқи сиёсатни олиб бориб, экстремизм ва терроризмнинг умумий таҳдидларига қарши курашишда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очиқ эканлигини эълон қилиб изчил ижтимоий –ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

Сўнгги йилларда ақидапараст оқимлар ёшлар ичидаги фаолиятини меҳнат мигрантларини ўз таъсирлари доирасига олиш, дин ниқобидаги экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишда тарқатиш, “Интернет” орқали тарғибот олиб бориш, яширин “хужралар” ташкил этиш каби усулларда амалга оширмоқда. Айниқса, интернет тармоғида “Ислоҳ давлати”, “Жабҳат ан-Нусра” каби террорчи ташкилотлар гўёки ислоҳ равнақи йўлида курашаётган “муҳоҷид биродарлар гуруҳи” экани ҳақидаги тарғибот-ташвиқот кенг кўламда олиб борилаётгани, бунинг оқибатида дунёнинг кўплаб давлатларидан мусулмон ёшлар “ҳижрат” қилиш ва “жиҳод”да иштирок этиш даъвосида Сурия ва Ироқ ҳудудига бориб, ушбу гуруҳ сафига бориб қўшилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз[2]¹.

Мутаассиб оқим аъзоларининг бош мақсадлари – исломий халифалик теократиик давлат тузиш, “жиҳод”, “ҳижрат”, “шаҳидлик”, “кофир бўлиш” каби диний тушунчаларни сохта талқин қилиш орқали биринчи навбатда ёшларимизни оиласи ва яқинларининг таъсиридан чиқариш, ўқиш ёки ишидан ажратиб олиш ҳамда уларни қуролли тўқнашувлар бўлаётган Сурия, Ироқ, Афғонистон ёки Покистон каби мамлакатларга жўнатиб, манқурт-жангари ёки “тирик бомба”га айлантиришдан иборат[3]².

Дин ниқобидаги экстремизм шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид солмоқда. Жумладан, экстремистик ғоя ва ёт диний қарашларнинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит ва тадрижий ривожланишга зарарли таъсири қуйидагиларда акс этмоқда:

¹ Яқин Шарқ – геосиёсий ўйинлар майдони | :: Vakillik.uz. <http://185.196.214.101/vakillik/>

² Экстремизм ва терроризм миллат учун хатар. <http://muslim.uz/index.php/rus/tarraiqiyot-kushandalari/item/18356-ekstremizm-va-terrorizm-millat-uchun-khatar>



- экстремистик оқим аъзоси қонуний жазога тортилиши ёки “ҳижрат” даъвосида хорижий юртларга чиқиб кетиши оқибатида жамиятнинг бирламчи бўғини бўлган оилаларда парокандалик юзага келади, фарзандлар тарбиясиз, оилалар эса боқувчисиз қолади;
- жамиятда анъанавий қадриятларни авлоддан авлодга узатиш тизими ва тадрижий ривожланиш жараёни бузилади, мазкур жамиятда асрлар оша муҳим ўрин тутган миллий, маданий, тарихий қадриятлар аҳамиятини йўқотиши оқибатида маънавият пасаяди;
- экстремистик ва террористик ҳаракатлар содир этиш орқали жамиятда “ёвузлик чегараси” пасайиб, одамлар қотиллик, қийноқ, босқинчилик, гаровга олиш, қулчилик каби жиноятларга кўникиб қолади. Айни чоғда, ушбу ёвузликлар жамиятнинг муайян қисмида ваҳима уйғотади, қочоқлар оқими пайдо бўлади;
- терроризм ва экстремизм, улар оқибатида келиб чиқадиган ижтимоий беқарорлик жамиятда жиноятларнинг авж олишига хизмат қилади;
- давлат хавфсизлик чораларини кўриш учун бюджет маблағларини сарфлаши, шунингдек, террористик ҳаракат оқибатида кўрилаётган моддий йўқотишлар жамият ривожига катта иқтисодий зарар еткази. Оқибатда ишсизлик ошади, ижтимоий муҳофазага йўналтирилган лойиҳалар бажарилмай қолади, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди;
- мамлакатнинг тақдири иқтисодий донор ва қурол-аслаҳа сотувчи давлатларга боғлиқ бўлиб қолади.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мазкур муаммони фақат ҳарбий куч ишлатиш билан тўла ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг такрор ишлаб чиқариш тизими сақланиб қолар экан, қайд этилган таҳдидлар сақланиб қолаверади. Экстремизм ва терроризмни такрор ишлаб чиқариш тизимининг муҳим бўғинлари ақидапарастлик ва терроризм мафкураси, уларнинг илҳомчилари ва даъватчилари, мазкур мафкурани тарқатиш каналлари ва улар таъсирига тушаётган шахслар ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонни дунёвий-маърифий ва демократик тараққиёт йўлидан оғдиришга ҳаракат қилаётган турли экстремистик гуруҳ аъзолари иродаси бўш, билимлари саёз кишиларни, айниқса, ёшларни ўз таъсир доираларига тортишга уринмоқда.

Ҳозирда Яқин Шарқ минтақасида фаолият олиб бораётган террорчи ташкилотлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоалар тузиш ишларини олиб бормоқдалар. Айниқса, ёшлар орасида мутаассибликка йўғрилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузғунчи “фатво”ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади.

Шу сабабли илмий асосланган, технологик жиҳатдан тартибга солинган, дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга мос (адекват) ахборот-мафкуравий кураш – аксил тарғибот ишларини тўғри ташкил этиш экстремизм мафкураси тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Аксил тарғибот ишлари – мафкуравий



курашнинг специфик кўриниши бўлиб, душман кучларнинг ахборот-қўпоровчилик ва психологик ҳужумини зарарсизлантиришга қаратилган сиёсий, ғоявий, ташвиқот ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Жамиятда экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олишда диний мутаассиблик ақидаларига мойиллиги бор шахслар ва уларнинг оила аъзолари билан ташкил этиладиган якка тартибдаги профилактик тадбирлар муҳим ўрин тутди.

Якка тартибдаги профилактик тадбирлар – давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг жиноят содир этиши эҳтимоли бор шахсларни аниқлаш, мазкур шахслар ва уларнинг ён-атрофидагиларга ўз хулқларини яхши томонга ўзгартириш ва жиноятга мойилликларига барҳам бериш мақсадида ижобий таъсир ўтказишга қаратилган фаолияти ҳисобланади. Ҳозирги кунда диний соҳадаги қонунбузарликларга қарши якка тартибдаги профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш масаласининг долзарб аҳамиятга эга эканига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- ақидапараст оқимлар томонидан аҳолининг турли қатламлари ичида тарғибот-ташвиқот ишлари давом этиб келаётгани;
- авф этилган айрим собиқ экстремистик оқим аъзолари ва махсус рўйхатдаги шахсларнинг яқинларини ўз сафларига тортишга уринаётгани;
- меҳнат мигрантлари ичида ақидапараст гуруҳлар таъсирига тушиб, республикага қайтгандан сўнг аҳоли орасида мутаассиблик ғояларини тарқатиб, экстремистик фаолият олиб бораётган шахсларнинг мавжудлиги;

Дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграциясининг кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, юртимизда аҳолини ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш, экстремистик оқимга мансуб оилалар билан ишлаш, уларни жамиятга мослаштиришда қуйидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

- “2021-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** да амалга оширишга оид давлат дастури”, Давлат Раҳбарининг Парламентга мурожаатида берилган топшириқларини тўлақонли ижросини таъминлаш;
- мутассади органлар ва диний соҳа вакилларининг илмий-ижодий фаолиятини кучайтириш мақсадида жамиятдаги долзарб мавзулар бўйича рисола ва мақолалар тайёрлаш, ОАВ ва интернет сайтларида чиқишларини аниқ режа асосида фаоллаштириш;
- аввал диний-экстремистик оқимлар таркибида жиноят содир этиб, авф этилган ёки жазони ўтаб яшаш жойига қайтиб келган ҳамда хорижда ишлаб келган фуқаролар билан профилактика ишларини тизимли олиб боришни йўлга қўйиш;



- мутахассисларини жалб қилган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинларида уюлмаган ёшлар ва вақтинча ишсиз, уй бекаси бўлган хотин-қизлар билан ДЭОга қарши манзилли комплекс тарғибот тадбирларини ташкил этиш маҳаллама-маҳалла ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва яқка тартибдаги профилактика ишларига урғу бериш;

- маҳалла ва жаоатчилик муқаддам экстремистик оқимлар таъсирига адашиб кириб қолган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва уларнинг оила аъзоларига тарбиявий ва профилактика ишлари ўтказиш учун бириктириш, мазкур тоифа фуқаролар билан тизимли равишда тушунтириш ишлари олиб боришни ташкил этиш;

- Ёшларни ёт ғоялар таъсирга берилиб кетишига қарши кураш, мактаб, олий ва ўрта махсус билим юртлирида тахсил олаётган ва ўқувчи ёшларни рухиятини экстремизм иллатга тушиб қолмасликларини ва келажакда халқаро террорчи ташкилотларнинг таъсирига тушиб қолмаслик жараёнини мустаҳкамлаш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини олдини олиш йўналишларида тизимли ишларни йўлга қўйиш;

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшган ҳолда – ҳар биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган барча фуқароларнинг, давлат ёки жамоат ташкилотларида ишлаши, тадбиркор ёки бошқа касб эгаси бўлишидан қатъий назар, ён атрофимиздаги ёшларимизни буюк аجدодларимиз бизга қолдириб кетган тарихан хавас қилса арзидиган маданий, диний маърифий, бойлигимизни, аجدодларимиз дунёга машхур қолдирган беқиёс бойликларини асраб авайлаб келажак аждодларга Янги Ўзбекистон тараққиётининг махсули сифатида янада бойитиб тарих зарварағига олтин харфлар битилишига арзигулик мерос қолдирмоғимиз керак

Бу вазифа барчамизга аждодларимиз олдидаги ҳам фар ҳам қарзимиз бўлиб қолмоғи лозим.

References:

1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови (1-қисм) / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. 2016 йил 7 декабрь // <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech/>
2. Яқин Шарқ – геосиёсий ўйинлар майдони | :: Vakillik.uz. <http://185.196.214.101/vakillik/>
3. Экстремизм ва терроризм миллат учун хатар. <http://muslim.uz/index.php/rus/tarraiqiyot-kushandalari/item/18356-ekstremizm-va-terrorizm-millat-uchun-khatar>